

**ВОЯГА ЕТМАГАН ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА  
КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ**

Ашурова Гулноза  
мустақил тадқиқотчи

**ПОНЯТИЕ И КРИМИНОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА  
ПРЕСТУПНОСТИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ ДЕВУШЕК**

Ашурова Гулноза  
независимый исследователь

**THE CONCEPT AND CRIMINOLOGICAL CHARACTERISTICS OF JUVENILE  
FEMALE DELINQUENCY**

Gulnoza Ashurova  
independent researcher  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.19974817>

**Аннотация.**

Мақолада вояга етмаган қизлар жиноятчилигининг тушунчаси ва унинг криминологик хусусиятлари комплекс тарзда таҳлил қилинган. Ушбу феномен вояга етмаганлар жиноятчилиги ва аёллар жиноятчилигининг кесишган нуқтаси сифатида қаралиб, мустақил криминологик муаммо сифатида асосланади. Тадқиқотда мазкур ҳодисанинг сабабий омиллари макро-, мезо- ва микродаражаларда ёритилиб, оилавий муҳит, ижтимоий назорат, таълимдан узилиш, тенгдошлар таъсири ва травматик тажрибаларнинг ўрни очиқ берилган. Шунингдек, расмий статистик маълумотлар таҳлили орқали вояга етмаган қизлар жиноятчилигининг ҳолати ва динамикаси баҳоланган. Мақолада профилактика механизмларини такомиллаштириш, жумладан гендер-сезгир ва травма-информирован ёндашувларни жорий этиш зарурати асосланган.

**Калит сўзлар:**

вояга етмаганлар жиноятчилиги, қизлар жиноятчилиги, криминологик тавсиф, гендер омил, профилактика, ижтимоий муҳит, виктимизация, травма, болалар адлияси.

**Аннотация.**

В статье комплексно исследуются понятие и криминологическая характеристика преступности несовершеннолетних девушек. Данный феномен рассматривается как пересечение преступности несовершеннолетних и женской преступности и обосновывается как самостоятельная криминологическая проблема. Анализируются причинные факторы на макро-, мезо- и микроуровнях, включая семейную дисфункцию, ослабление социального контроля, разрыв с системой образования, влияние сверстников и травматический опыт. На основе официальных статистических данных оцениваются состояние и динамика данного вида преступности. Особое внимание уделяется совершенствованию профилактических механизмов, включая внедрение гендерно-чувствительных и травма-информированных подходов.

**Ключевые слова:**

преступность несовершеннолетних, преступность девушек, криминологическая характеристика, гендерный фактор, профилактика, социальная среда, виктимизация, травма, ювенальная юстиция.

**Abstract.**

The article provides a comprehensive analysis of the concept and criminological characteristics of juvenile female delinquency. This phenomenon is examined as an intersection of juvenile and female crime and is substantiated as an independent criminological issue. The study explores causal factors at macro-, meso-, and micro-levels, including family dysfunction, weakened social control, school disengagement, peer influence, and traumatic experiences. Based on official statistical data, the state and dynamics of juvenile female delinquency are assessed. Particular attention is given to improving prevention mechanisms, including the implementation of gender-sensitive and trauma-informed approaches.

**Keywords:**

juvenile delinquency, female juvenile delinquency, criminological characteristics, gender factor, prevention, social environment, victimization, trauma, juvenile justice.

Криминологик нуқтаи назардан вояга етмаган қизлар жиноятчилиги деганда муайян ҳудуд ва муайян вақт кесимида 14–18 ёш оралиғидаги аёл жинсига мансуб шахслар томонидан содир этилган жиноятлар мажмуаси тушунилади. Мазкур ҳодиса умумий жиноятчиликнинг оддий бир “қисми” эмас, балки икки қатламли — вояга етмаганлар жиноятчилиги ва аёллар жиноятчилигининг узвий қўшилиши сифатида намоён бўлади. Шу маънода А.Н. Ильяшенко, А.В.Куприянова, Е.А.Прокопенко ва О.А.Осадчук ишларида у мустақил криминологик муаммо сифатида асосланади [1]–[5].

Бу ерда муҳим назарий нуқта шундан иборатки, жиноят-ҳуқуқий таснифда “вояга етмаган қиз” алоҳида таркиб эмас, аммо криминологик таҳлилда у алоҳида тадқиқот бирлиги ҳисобланади. О.А.Осадчук жиноятчиликни ажратиш мезони сифатида ёш билан бир қаторда жинс белгиси ҳам алоҳида аҳамият касб этиши таъкидлайди; ўз навбатида, С.С.Ниёзова вояга етмаганлар жиноятчилиги сабабларини жиноятни “озиқлантирадиган” ижтимоий жараёнлар, шарт-шароитларни эса унинг содир этилишига кўмаклашадиган омиллар сифатида талқин қилади [4], [7]. Демак, вояга етмаган қизлар жиноятчилигининг тушунчаси фақат статистик ҳодиса эмас, балки сабабият, шахс, ижтимоий муҳит ва профилактика механизмларини бир вақтда қамраб олувчи комплекс категориядир.

Илмий адабиётларда мазкур феноменга доир биринчи полемика — уни мустақил объект сифатида тан олиш ёки тан олмаслик масаласидир. Илгариги ёндашувларда унинг улуши нисбатан паст бўлгани сабабли, қизлар жиноятчилиги кўпинча ёки умумий вояга етмаганлар жиноятчилиги, ёки умумий аёллар жиноятчилиги доирасида эрийди. Бироқ А.Н.Ильяшенко ва О.А.Осадчук бу ҳолатни методологик хатолик деб баҳолайди: айнан кичик улуш феномени “йўққа чиқармайди”, аксинча унинг латентлиги, ижтимоий хавфлилик хусусияти ва профилактика воситаларининг ўзига хослиги туфайли алоҳида ўрганишни талаб қилади [1], [4]. А.В.Куприянова ҳам вояга етмаган қизлар жиноятчилигини гендер криминологияси объекти сифатида қўяди [2].

Бир қатор ишлар, жумладан Д.Каракетова аёллар жиноятчилигини таҳлил қилишда физиологик, психологик ва ижтимоий-ҳуқуқий омилларни биргаликда ҳисобга олиш кераклигини кўрсатади [8]. Бироқ замонавий криминология бирламчи тушунтиришни биологик редуccionизмдан эмас, балки оилавий дисфункция, ижтимоий назоратнинг сустлиги, мактабдан ажралиш, тенгдошлар босими, травматик

тажриба ва гендерлашган зўравонлик каби омиллардан излайди [7], [8]. Шунинг учун биофизиологик хусусиятлар “мустақил сабаб” эмас, балки муайян ижтимоий муҳитда таъсир кучини оширувчи фон сифатида қаралиши тўғрироқдир.

Феминистик криминология, хусусан Meda Chesney-Lind анъанасига суянган АҚШ адабиёти, кўп ҳолларда қизлар адлия тизимига айнан ўз заифлиги ва жабрланувчилик тажрибаси орқали кириб келишини кўрсатади. Бу нуқта кейинчалик агентлик ва амалиётчи тузилмалар томонидан ҳам қўллаб-қувватланган: болалар адлияси тизимлари гендер жиҳатдан “кўринмас қизлар” муаммосига дуч келмоқда, деган хулоса илмий ва сиёсий адабиётда мустақкам ўрин олди [16], [19].

Ўзбекистонда расмий очиқ статистика, аввало, Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотлари орқали кузатилади. Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2024 йилда жиноят содир этганлиги аниқланган шахслар сони 59 951 нафарни ташкил этган; шу йилда аёллар сони 7 163 нафар бўлиб, бу 11,9 фоизга тенг. Ёш бўйича очиқ қаторларда 2024 йил учун 13–15 ёшлилар 366 нафар, 16–17 ёшлилар 2 998 нафар экани кўрсатилган; демак, 13–17 ёшлилар жами аниқланган шахслар таркибида тахминан 5,6 фоизни ташкил этган [10]–[13].

2025 йил учун очиқ қаторлар қуйидаги манзарани беради: жиноят содир этганлиги аниқланган шахслар сони 61 500 нафарга етган; 13–15 ёшлилар 331 нафар, 16–17 ёшлилар 3 116 нафарни ташкил этган. Бу ҳисобда 13–17 ёшлилар улуши яна тахминан 5,6 фоиз атрофида сақланган. Шу билан бирга, аёллар улуши бўйича алоҳида очиқ расмий қатор 2025 йил учун 12,7 фоизни кўрсатади [10], [12], [13]. Бу рақамлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, вояга етмаганлар ва аёллар жиноятчилиги мутлақ миқдорда доминант эмас, аммо иккаласининг кесишув нуқтасида турган вояга етмаган қизлар муаммоси эмпирик жиҳатдан сезиларли ҳисобланади.

Суд статистикаси яна бир муҳим қиррани очади. 2024 йилда судлар томонидан 7 132 нафар аёлга ва 2 214 нафар вояга етмаган шахсга нисбатан жинсий жаза тайинланган; 2025 йилнинг биринчи ярмида эса мос равишда 3 611 нафар аёл ва 1 255 нафар вояга етмаган шахс судланган [14]. Бироқ тадқиқот учун жиддий методик муаммо ҳам мавжуд: очиқ расмий статистикада айни пайтда аёллар бўйича қаторлар алоҳида, 13–15 ва 16–17 ёш бўйича қаторлар алоҳида берилган, аммо “вояга етмаган қизлар”ни ёш ва жинс кесишган ҳолда мунтазам акс эттирувчи барқарор очиқ қатор кенг жамоат учун тўлиқ ҳолда тақдим этилмаган. Шу сабабли мазкур мавзудаги замонавий таҳлил тўғридан-тўғри эмас, балки вояга етмаганлар ва аёллар статистикасининг қиёсий синтези орқали амалга оширилади.

Халқаро даражада умумий фон шундан иборатки, болалар адлияси тизимида қизлар сони одатда ўғил болаларга нисбатан анча кам. UNICEF Data платформасига кўра, 2024 йилда дунё бўйлаб тахминан 259 минг бола ҳибс ёки бошқа изоляция шаклларида сақланган; энг юқори минтақавий кўрсаткич Шимолий Америкада, энг катта мутлақ сон эса Жанубий Осиёда қайд этилган [15]. Шунинг ўзиёқ болалар адлияси муаммоси глобал эканини, аммо унинг жинс-специфик қиёфаси ҳар мамлакатда турлича эканини англатади.

Англия ва Уэльсда 2025 йил мартда тугаган давр учун 13,3 минг бола огоҳлантириш ёки ҳукм олган бўлса, уларнинг 14 фоизи қизлардир; бу мутлақ ҳисобда

тахминан 1,9 минг нафар қиз ва 11,3 минг нафар ўғил болани ташкил қилади [18]. Бу ерда ҳам қизлар улуши паст, аммо тизим уларни тўлиқ “нуллаштирамайди”; аксинча, улар камсони бўлгани сабабли махсус, гендер-сезгир амалиёт талаб қилади.

Қиз-ҳуқуқбузар шахсига доир типик криминологик портрет кўп манбаларда деярли ўхшаш. О.А.Осадчук “ўртача” вояга етмаган ҳуқуқбузар қиз 16–17 ёшли, таълим муассасасида расман рўйхатда турган, аммо амалда дарсга қатнамайдиган, тўлиқ бўлмаган ёки моддий жиҳатдан кам таъминланган оилада тарбияланган, тугалланмаган ўрта маълумотли, шаҳарда яшовчи шахс сифатида тавсифланади. Муаллифнинг қайдича, мамлакат миқёсида судланган вояга етмаган қизларнинг 58,28 фоизи тўлиқ бўлмаган оилаларда ёки умуман оиладан ташқари муҳитда тарбияланган [4].

Психологик жиҳатдан эса бундай шахс кўпинча ҳаётининг тажрибанинг камлиги, эмоционал беқарорлик, конфликтлилик, тез ғазабланиш, ўзини назорат қилиш даражасининг пастлиги ва ахлоқий-этик чекловларга нисбатан бепарволик билан характерланади. О.А.Осадчук классификациясида вояга етмаган ҳуқуқбузар қизлар ситуатив, ситуатив-криминоген ва изчил-криминоген турларга ажратилади [4]. Бу тасниф жуда муҳим: чунки профилактика чораси ҳам айнан шу турга қараб танланиши керак — барча ҳуқуқбузар қизларга бир хил реакция самара бермайди.

Тошкент давлат юридик университети профессори С.Ниёзова таъкидлаганидек, вояга етмаганлар жиноятчилиги сабаблари жиноятни тақозо қиладиган ижтимоий жараёнлар йиғиндиси, шарт-шароитлар эса бевосита сабаб бўлмаса-да, уни содир этишни енгиллаштиради [7]. Вояга етмаган қизлар контекстида бу фикр айниқса муҳим, чунки уларда оилавий назорат сустлиги, тарбиядаги бўшлиқ, мактабдан чиқиб кетиш, тенгдошлар муҳити, эрта травматик тажрибалар ва гендерлашган зўравонлик бир-бирини кучайтирувчи пакет сифатида ишлайди. Каракетова ҳам аёллар жиноятчилигини тушунишда ижтимоий, психологик ва биологик омилларни биргаликда кўришни таклиф қилади, аммо амалий жиҳатдан оила ва тарбия омилини устувор қўяди [8].

Бу ерда “жиноятчи” ва “жабрланувчи” ролларининг кесишиб кетиши алоҳида эътиборга лойиқ. National Child Traumatic Stress Network ҳисоботида кўра, аслида тизимига тушган қизлар ўртасида травматик тажриба юқори, айрим тадқиқотларда қизлар ўғил болаларга нисбатан жинсий зўравонлик ҳақида бир неча баравар кўп хабар берган; системада эса қизлар статус ва “техник” ҳуқуқбузарликлар учун ўғил болаларга қараганда қарийб икки баравар кўпроқ ушлаб турилиши мумкин [19]. Шунинг учун вояга етмаган қизлар жиноятчилиги ҳақида гапирганда, уни фақат делинквент хулқ эмас, балки травма, виктимизация ва ижтимоий ташлаб қўйилганликнинг криминологик натижаси сифатида ҳам кўриш зарур.

Сабабий комплексни уч поғонада кўриш мақсадга мувофиқ. Макродаражада — ижтимоий тенгсизлик, шаҳарлашув, гендерлашган зўравонлик ва институтлар самарадорлигининг табақалашуви; мезодаражада — носоғлом оила муҳити, мактаб билан алоқанинг узилиши, назоратсизлик, маҳалла ва тенгдошлар муҳити; микродаражада — эмоционал беқарорлик, травма, психоактив моддалар, ўзини тасдиқлаш эҳтиёжи ва ҳуқуқий нигилизм. Осадчукнинг сўрови ўқитувчилар орасида етарли ота-она назоратининг йўқлиги (40 фоиз), ноқулай турмуш шароити (30 фоиз) ва жинсий фаолиятга жалб қилувчи катталар таъсири (30 фоиз)ни асосий сабаблар

сифатида кўрсатган; ўқувчилар ва катталар орасида ҳам моддий танқислик ва назорат сустиги етакчи омиллардан бўлган [5].

Шу билан бирга, мазкур омилларнинг барчаси ҳам жиноятга автоматик олиб бормайди. Криминология нуқтаи назаридан уларнинг хавфи айнан кумулятив, яъни устма-уст қўшилганда кескинлашади. Масалан, мактабдан чиқиб кетган, тўлиқ бўлмаган оилада яшайдиган, уй ичидаги зўравонликни бошдан кечирган ва тенгдошлар гуруҳи босимида қолган қиз учун жиноят хавфи бир неча марта юқори бўлади. Шу маънода вояга етмаган қизлар жиноятчилиги “битта сабабли” эмас, балки ўзаро боғлиқ омиллар тугуни орқали шаклланади. Бу эса профилактикани ҳам фақат милициявий эмас, балки педагогик, психологик, ижтимоий ва ҳуқуқий чоралар мажмуаси сифатида куришни тақозо қилади [7], [16], [19].

Ўзбекистон қонунчилигида вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси учун умумий ҳуқуқий база анча шаклланган. “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун профилактика соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни ўз мақсади сифатида белгилайди [20]. 2023 йилги болалар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, зўравонликка қарши ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш заруратини тан олди [21]. 2024 йилги PF-201 болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятида идоралараро ҳамкорлик, таълимга жалб қилиш, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя ва ҳисобдорликни кучайтиришга қаратилди [22].

Бироқ илмий нуқтаи назардан қараганда, мавжуд ҳуқуқий база ҳали тўлиқ “қизлар-специфик” профилактика моделига айланган деб бўлмайди. Мазкур ҳолатлар профилактика самарадорлигини пасайтиради. Шу нуқтаи назардан, айрим тадқиқотларда таъкидланишича, вояга етмаганлар жиноятчилигини камайтириш фақат жазо чоралари билан эмас, балки комплекс ижтимоий-профилактик ёндашув, жумладан, оила билан манзилли ишлаш, ҳуқуқий таълимни кучайтириш ва ижтимоий реабилитация механизмларини ривожлантириш орқали амалга оширилиши лозим [24].

Бизнингча, бу йўналишда камида олти устувор вазифа мавжуд. Биринчиси, расмий статистикани ёш ва жинс кесишган ҳолда — айнан “вояга етмаган қизлар” бўйича — жиноят тури, рецидив, гуруҳли иштирок, жабрланувчилик тарихи ва процессуал натижалар кесимида юритиш лозим. Иккинчиси, мактабдан узилиш, оилавий зўравонлик, эрта никоҳ хавфи, интернет орқали эксплуатация ва психоактив моддалар билан боғлиқ эрта индикаторлар асосида хавфни баҳолаш системаси жорий этилиши керак. Учинчиси, ҳар бир ҳуқуқбузар қиз бўйича “бир иш — бир реабилитация режаси” тамойили ишлаши керак; бу ерда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, психолог, педагог ва ижтимоий ходимнинг ҳаракати битта кейс-менежментга бирлаштирилиши даркор. Бу ёндашув ЮНИСЕФнинг болалар адлияси бўйича гендер-сезгир ва диверсияга йўналтирилган кун тартиби билан ҳам уйғун [9], [16].

Тўртинчиси, жазо сиёсатида вояга етмаган қизларга нисбатан шунчаки “юмшоқлик” эмас, балки травма-информирован ёндашув зарур. Акс ҳолда, тизим жабрланувчиликдан чиққан хулқни яна жиноятлаштириб қўяди. Бешинчиси, профилактик ишларда оила ва мактабни марказга қўйиш шарт: Осадчук, Ниёзова ва NCTSN материаллари айнан шу икки институтдаги узилишларнинг ҳал қилувчи аҳамиятини кўрсатади [5], [7], [19]. Олтинчиси, қизлар жиноятчилигига қарши курашиш

“ахлоқий назорат” эмас, инсон ҳуқуқлари, бола манфаати ва гендер адолати призмасида қурилиши лозим; акс ҳолда тизим латентликни оширади, ишончни камайтиради ва эрта аралашув имкониятини йўқотади.

Шундай қилиб, вояга етмаган қизлар жиноятчилиги — улуши нисбатан кичик, аммо назарий ва амалий аҳамияти жуда катта бўлган мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий феномендир. Унинг криминологик тавсифи ҳолат ва динамика, жиноятлар тузилиши, шахс хусусиятлари ва детерминантларнинг оддий тавсифи билан чекланмайди; у давлат статистикасининг сифатини, болалар адлияси тизимининг гендер сезгирлигини ва профилактиканинг ҳақиқий институционал қувватини синовдан ўтказди. Илмий жиҳатдан энг тўғри ёндашув — мазкур ҳодисани мустақил криминологик муаммо сифатида, ҳуқуқбузарлик ва виктимизациянинг кесишган нуқтасида, комплекс ва интердисциплинар тарзда ўрганишдир [1], [4], [16].

### Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ильяшенко А.Н. *Преступное поведение несовершеннолетних женского пола и его предупреждение*: дисс. ... канд. юрид. наук. Москва, 1999.
2. Куприянова А.В. *Женская преступность несовершеннолетних как объект исследования гендерной криминологии*. 2007.
3. Прокопенко Е.А. *Преступность несовершеннолетних женского пола как объект криминологического изучения*. 2010.
4. Осадчук О.А. *Преступность несовершеннолетних женского пола: криминологические и уголовно-правовые аспекты*: дисс. ... канд. юрид. наук. Краснодар, 2023.
5. Osadchuk O.A., Groshev A.V., Ryabtseva E.E., Ekimova Z.Z. *State, Causes and Ways of Minimizing Female Juvenile Delinquency*. 2021.
6. Brzezińska J. *On the phenomenon of female juvenile delinquency*. 2018.
7. Niyozova S.S. *Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligining sabablari va ularga imkon bergan shart-sharoitlarga doir ilmiy yondashuvlar*. 2023.
8. Karaketova D.Y. *Jinoyat subyektining jins bilan bog'liq fakultativ belgilari*. 2025.
9. UNICEF. *Justice for Children in Uzbekistan: Consolidated Report*. 2020.
10. O'zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo'mitasi. *Jinoyat sodir etganligi aniqlangan shaxslar soni (jami)*.
11. O'zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo'mitasi. *Jinoyat sodir etganligi aniqlangan shaxslar soni (ayollar)*.
12. O'zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo'mitasi. *Jinoyat sodir etganligi aniqlangan 13–15 yoshdagi shaxslar soni*.
13. O'zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo'mitasi. *Jinoyat sodir etganligi aniqlangan 16–17 yoshdagi shaxslar soni*.
14. O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi. *Criminal statistics 2024 va 2025 yil 1-yarmi criminal statistics*.
15. UNICEF Data. *Justice for children*. Last update: June 2025.
16. UNICEF. *Reimagine Justice for Children*. 2021.
17. Office of Juvenile Justice and Delinquency Prevention. *Fast Facts on Youth Justice*. 2025.
18. GOV.UK. *Youth Justice Statistics: 2024 to 2025*. Published 29 January 2026.

19. National Child Traumatic Stress Network. *Trauma among Girls in the Juvenile Justice System*. 2014.
20. 29.09.2010. O'RQ-263-son, *Voyaga yetmaganlar o'rtasida nazoratsizlik va huquqbuzarliklarning profilaktikasi to'g'risida*.
21. 11.04.2023. O'RQ-829-son, *Xotin-qizlar va bolalar huquqlari, erkinliklari hamda qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilish tizimi yanada takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida*.
22. 02.12.2024. PF-201-son, *Bolalar masalalari bo'yicha komissiyalar faoliyatining samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida*.
23. 06.02.2025. O'RQ-1024-son, *Voyaga yetmaganlar o'rtasida huquqbuzarliklar profilaktikasi tizimi takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksiga o'zgartirishlar kiritish haqida*.
24. Усманова Муборак Акмалджановна. (2026). Вояга етмаганлар жиноятчилиги: криминалогик таҳлил ва профилактика механизмларини такомиллаштириш. *International Multidisciplinary Research in Academic Science (IMRAS)*. – 2026. – Vol. 9, Issue 02. – Б. 9–14. <https://doi.org/10.5281/zenodo.18731925>